

## Рамазондаги эслатмалардан

13:55 / 17.06.2017 2991

Рамазондаги эслатмалардан:

Баъзи аёллар ошхонада машғул бўлишгани ёки ифторлик дастурхонини тайёрлаш сабаб шом намозига азон айтиб бўлинса ҳам ишларига машғул бўлиб оғиз очишни кечиктиришади. Бу хато нарса. Чунки суннат битта хурмо еб бўлса ҳам оғиз очишни тезлатишга чақирган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: "**Дин ғалаба қозонишда бардавом бўлади модомики одамлар оғиз очишни тезлатишса. Чунки яҳудий ва насронийлар (оғиз очишни) кечиктирадилар**", деб айтганлар.

*Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти.*